

Маҳалладош

Ишбилармонлик — бозор талаби

ҲАР ТОМОНЛАМА ФЙДАЛИ

ФРУНЗЕ райониди 15 та маҳалла ва 35 та мавзе мавжуд эди. Маҳаллий аҳолининг талаблари инобатга олинб, мавзелар район Кенгаши ижроия комитети томонидан маҳаллаларга айлантирилди. Мавзе пайтидагидек маҳаллалар рақамлар билан юритиларди. Шунинг учун аҳоли ўз маҳаллаларига давр талабига мос келадиган ном қўйиш ташаббусини кўтариб чиқишди. Бу ташаббус асосан 8-маҳалладан бошланди. Маҳалла аҳли ва унинг раҳбарияти ўз маҳаллаларига «Истиқлол» деб ном қўйишни маъқул кўрдилар. Чунки, бу воқеа Республикаимизнинг мустақиллиги эълон қилиниб, истиқлол сари янги қадам ташланаётган кунларда рўй берди. Район Кенгаши ва унинг ижроия комитети маҳалла аҳлининг ном талашдаги талабини қондирди.

«Истиқлол» маҳалласи комитети раиси Шавкат Миромонов ва маҳалла фаолларининг ишбилармонлиги туфайли бу ерда қисқа муддатда иккита кичик корхона ташкил этилди. Биринчиси фуқароларни соғломлаштириш ва туризм ишлари билан шуғулланади, иккинчисиди эса, матбаачилик ҳамда ноширлик юмушлари уудаланади.

— Маҳалламиздаги ҳар иккала корхонада ҳам ҳужжатлар расмийлаштирилиб, расман иш бошланди, — дейди маҳалла комитети раиси Ш. Миромонов. — Бироқ уларнинг фаолиятига монанд ном қўя олганимиз йўқ. Шундай бўлса-да, соғломлаштириш ва туризм билан шуғулланувчи корхонамиз фаолияти фойдасидан маҳалла комитети ҳисобига маблағ туша бошлади. Маҳалла кассасига дастлабки тушган фойда маблағидан 40 та совга тайёрланди. Ҳар бир совгада қарийб 6 килограммлик 6 хил озиқ-овқат маҳсулотлари бор эди. Биз уларни маҳалламиздаги кам даромадли оилаларга ҳамда корхонани очишда хизмати катта бўлган фаолларга тарқатдик.

Матбаачилик ва ноширлик ишлари билан шуғулланувчи кичик корхонамизда тўрт йўналиш бўйича иш боради. Ҳозирча икки йўналиш, яъни матбаачилик маҳсулотлари ва китоб босмаси йўлга қўйилди. Реклама ва эълонлар билан шуғулланиш ҳамда кичик корхона маҳсулотлари савдо-сотиғини энди ташкиллаштираямиз. Ҳар иккала кичик корхонамиз фаолияти фойдасидан маҳалламиз ҳисобига кўплаб маблағ тушишига ишончимиз комил.

«Истиқлол» дагидек ишбилармонлик билан иш юритиш, маҳаллада кичик корхоналар очиш ҳар томонлама фойдалидир. Аввало маҳалладаги ишсиз фуқаролар иш билан таъминланади, қолаверса корхона фойдасидан маҳалла бойийди, ободонлашади ва чирой очади. Шундай экан, шаҳримиздаги барча маҳаллаларнинг раҳбарияти ва фаоллари «Истиқлол» маҳалласи ишбилармонларидан ўрнак олсалар, ҳар бир маҳаллада кичик корхоналар ташкил этишга киришсалар айни муддао бўлур эди.

Худойназар ҒОНИБОВ.

ВАЗИФА БАЖАРИЛДИ

ЮНУСОБОД даҳасининг 15-мавзесиди яшовчи 83 ёшли отахон Оловиддин Нажмиддинов шароитини яхшилаш учун кўп елиб-югурди. Чунки икки йўл, келинлар ва неваралар билан 4 хонали уйда истиқомат қиларди.

Масала осонликча ҳал бўлмаганини англаган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги» маҳалласининг раҳбарлари

шу округдан Ўзбекистон Республикасига халқ депутати этиб сайланган автомобиль йўллари олийгоҳи ректори Салим Пўлатовга вазифа беришди. Теъдди ишга киришган депутатнинг сай-ҳаракати туфайли ақинда Оловиддин отанинг оиласига янги уйнинг калити топширилди.

Шавкат САЪДИЕВ.

ЭНДИ ДЎКОН ЁНЛАРИДА

ЧИЛОНЗОР райониди «Чилонзор» маҳалласи аҳолиси илгари нон харид қилиш учун икки бекат йўл босиб, Гагарин кўчасиди нон дўконига боришга мажбур бўларди. Бундан айниқса, кексалар азият чекардилар.

Кунди кеча кўп сонли аҳолининг район ижроия комитетига ёзган кўплаб арзнома ва пилтмосномалари инобатга олинб, маҳалла ҳудудиди жойлашган «Сабзавот ва мевалар» дўконининг

шундоққина биқиниди 6-нон дўконининг филиали ишга туширилди.

— Узоғимизни яқин қилиб, хонадонимиз олдида нон дўкони очиб берилганидидан мамнунмиз, — дейди маҳалла отахони, меҳнат фахрийси Турсунбой ана Юсупов. — Бу ердан ҳар кунди мазали ва бўрсилдоқ патир нонлар ва турли қандолатчилик маҳсулотлари харид қилаямиз.

Исмомил ЗОИРОВ.



— Ҳаётимни болаларсиз тасаввур қила олмайман, — дейди Киров районидидаги 235-ўрта мактаб муаллимаси, Ўзбекистон халқ маорифи аълоҳиси, меҳнат фахрийси Ҳидоят она Шожалилова.

— Чунки умримнинг чорак асрдан кўпроқ даври ёш авлод тарбияси билан боғланган.

Сайдали Султонов сурати.

МАҲАЛЛА комитетларининг асосий вазифаси — ҳар қандай шароитда ҳам аҳоли тинч-тотувлиги, хотир-жамлигини таъминлаш ва муаммоларни одилона ҳал этиб беришдан иборатдир. Бугунги кунда комитетлар фаолиятини йўналтирувчи асосий ҳужжат — 1990 йилнинг 7 сентябрда Тошкент шаҳар Кенгашининг III сессиясиди тасдиқланган «Тошкент шаҳар маҳалла комитетлари тўғрисида»ги Низом ҳисобланади.

Бу Низомда маҳалла фаолларининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда комитетларнинг молиявий, ташкилий ишлари асослари кенг ёритилган. Аммо, унда комитет раиси, котиби ва фаолларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, яъни ваколатлари аниқ кўрсатилмай, умумий тарзда баён этилган. Натияжада комитет раислари ва котиблари Низомни ўз билгичи талғин қилиб, иш юритишмоқда. Ахир умумий тушунча бошқа-ю, аниқ маълумотга эга бўлган бошқа-да. Агар шаҳар Кенгаши вақти-вақти билан илғор маҳаллалар иш тажрибасини умумлаштириб намуна сифатиди маҳаллаларга тарқатиб турса фойдадан ҳоли бўлмас эди. Бу тажриба мабодо жумҳурият миқёсиди қўлланилса, янада яхши бўларди.

Низомнинг 14-моддасиди «К» бандиди маҳалла комитетлари ўз вазифаларини муваффақиятли амалга оширишлари учун маҳалла фаолларидан санитария, молия, маданий-оқартув, хотин-қизлар билан ишлаш, ўсмирлар билан ишлаш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш, ободонлаштириш, тўй-маросимлар ўтказиш ва бошқа жамоат комиссиялари тузишлари айтилган. Биз ушбу комиссиялар фаолиятидан унумли фойдаланиш мақсадида ҳар

Таклиф ва мулоҳазалар

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАЪМИНЛАШСА

бир комиссияни райижроком бўлимларига бирктиб қўйди. Жўмладан, санитария комиссияси — соғлиқни сақлаш бўлимига, молиявий — ишлар — молия бўлимига, маданий-оқартув ишлари — маданият бўлимига, ўсмирлар билан ишлаш — халқ таълими бўлими, спорт комитети ва ҳарбий комиссарликка, жамоат тартибини мустаҳкамлаш — ички ишлар бўлимига, ободонлаштириш — ободонлаштириш бошқармасига, фахрийлар Кенгаши — ижтимоий таъминот бўлимига, хотин-қизлар Кенгаши. — хотин-қизлар Кенгашига. Томонлар ўртасиди ҳамкорликда қилинадиган ишлар, ҳақ-ҳуқуқлари уларга атрофлича тушунтириб берилди.

Ижроком мажлисларида бешта маҳаллада бу борада қилинаётган ишлар, яъни аҳоли турмуш шароити, маҳалла фаоллари ва оталиқ корхона, таъкилотлар раҳбарларининг ижроичилик масъулияти муҳокама этилди. Очигини айтиш керак, муҳокамадалар ҳозирча биз кутган натижаларни берганича йўқ. Аммо, бу дастлабки қадамлар, холос. Ўйлаймизки, келгусиди бу хусусиди айрим намчиликлар бартараф этилади ва ишда салмоқли самара бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган бугунги кунда нархнаволар ним ўзар савдосига

ўхшаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Ишбилармонлар ойига 1,5—2 минг сўм топишайпти. Хўш, ойлик маош билан яшайдиганларчи? Улар нима қилишсин? Аҳолининг аксарият қисмини ана шундай тоифадагилар ташкил этади-ку! Агар келгуси йилнинг 1 январидан эътиборан иш ҳақи ошиб, унинг миқдори 700—800 сўмни ташкил этган тақдирда ҳам кўп болали оилаларнинг бу шароитда тўлақонли кун кечира олишлари амри маҳол. Бундай оилаларнинг аксарияти эса маҳаллаларда мужассамланган. Кўп болали ва кам таъминланган оила тўй-маросим ўтказмоқчи бўлсачи? Тўғри, бундай пайтда уларга маҳалла комитети қурбига қараб 1000 сўмгача моддий ёрдам кўрсатиши мумкин.

Ана шуларни ўйлар эканман, фурсатдан фойдаланиб, бир фикр билан ўртоқлашгим келади. Инқилобдан олдингидай аҳолини ўз-ўзини таъминлаш услубидан фойдаланилса-чи? Бунинг учун маҳалла комитети орқали маҳалладаги инсофли ишбилармонларга давлатдан етарлича пул шартнома асосиди қарзга олиниб берилса, улар жамоа ва шўро ҳўжаликларида ер олиб, иссиқхона, молхона қуришса, турли экинлар экишса, етиштирилган маҳсулотни эса арзон нарҳда шу маҳалла аҳлига етказиб туришса бундан олдий халқ анча манфаатдор бўларди. Шу йўсиди маҳаллаларда турли соҳалар бўйича кичик корхоналар ташкил этиш ҳам мумкин. Бу ҳақда маҳалладошларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини билдирарлар деб ўйлайман.

Рихсвой ОРИПОВ,
Акмал Ижромов район ижроия комитети ташкилий бўлимининг мудир.

МАЗКУР ойнинг 9 ноябрь куни кўлаб маҳалла фаоллари хотирасида ўчмас из қолдирди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Маҳалла комитетлари фаолларидан бир гуруҳини мукофотлаш туғрисида»ги Фармони шу куни имзолади. Ушбу Фармон билан танишар эканмиз, унда шундай жумлаларни ўқиймиз: «Кўп йиллик ҳалол меҳнати, аҳоли орасида олиб бориладиган тарбиявий ишларга қўшган ҳиссаси ва жамоат ҳаётида фаол қатнашгани учун... мукофотлансин».

Мукофотланганлар рўйуатидан 15 нафар ҳамшаҳримиз исм-шарифининг ўрин олганлиги «Оқшом» рўзномаси ижодий ходимларини, жумладан, «Маҳалладош» таҳрир ҳайъати аъзоларини ҳам беҳад қувонтирди. Шу боис Акмал Икромов районидagi «Бекобод» маҳалласига йўл олдик. Негаки, 2 мингдан зиёд оила истиқомат қилувчи ушбу маҳаллага 1966 йилдан бери раислик қилиб келаётган Вали ака Набиев (суратда ўртада) «Хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан тақдирланган эди. Биз райижроком ташкилий бўлимининг мудир Рихсивой ака Орипов биланми, маҳалла оқсоқоллари-ю, фаоллари биланми, ким билан суҳбатлашмайлик, уларнинг бари Вали ака ҳақида фақат илиқ фикрлар билдиришди.

— Раисимиз ана шундай юксак мукофотга муносиб инсон, — дея сўз бошлади Улуғ Ватан уруши иккинчи тоифа ногирони, меҳнат фахрийси, 70 ёшли отахон Собир бобо Ниғмонов. — Ахир у кишининг жонкуярлиги туфайли озмунча ишлар амалга оширилди. Масалан, унинг саъй-ҳаракати туфайли 7-синфгача маълумот берадиган эски (ёғочдан қурилган) мактаб ўрнида янги замонавий ўрта мактаб бунёд этилди. Кейинчалик эса худди шундай яна битта мактаб ишга туширилди. Томи лой билан бостирилиб, атрофи пахса девор билан ўралган чойхонамиз ёнида янги ва кенг чойхона қурилди. Бугунги кунда улар иккита, Сартарошхона, озиқ-овқат дўкони, иккита новвойхона ишлаб турибди. Мачит қурялапти...

— Бош кийимлар фабрикаси шохобчасининг очилганини айтмайсизми, — дейди суҳбатта қўшилган, меҳнат фахрийси Шоазим ака Исоқов. — И. Охунбобоев номидаги ушбу артель ишга тушгач, маҳалламиздаги кўп болалар оналарнинг 120 дан кўпроги ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғуллана бошлашди. 6-болалар поликлиникасининг филиали очилиб, ундаги шифокорлар соат 7 дан 18 га довуз кичкинтойларимиз саломатлигига посбонлик қилишайлати.

Ҳа, том маънода халққа қайишадиган инсон раҳбарлик қилаётган ҳар бир жабҳада олға силжиш бўлаверади. Маҳалланинг биз суҳбатлашган бошқа фаоллари ҳам бунга тасдиқлашди. Уйда кўй ва қорамол боқайётган 250 хонадон учун озуқа-еъм дўкони очилганлигини, кам гаъминланган мавжуд 15 онлага вақти-вақти билан моддий ёрдам бериб турилишини айтишди. Жумладан, Ортиқ Тешаев тўй қилганда юз сўм ва битта поёндоз ҳадя этилди. Боқувчисидан ажралган Саломат Собировага 50 сўм тўёна берилди. Бундай мисолларни эса кўплаб келтириш мумкин. Вали аканинг ўзи 1958 йилдан бери Низомий номидаги Тошкент Давлат муаллимлар тайёрлов олий билимгоҳининг ўқув-тажриба участкасига директорлик қилаётгани учун ҳар йили қарийб 1000 туп турли кўчатлар опкелиб маҳалла аҳлига текин тарқатиб чиқади. «Бог қилинлар, болаларимиз кўзи тўқ бўлсин, ҳавомиз мусаффо бўлсин» — дейдилар.

Маҳаллада дов-дарахтлар соясини ташлаб турган, шинам ва озода, катта-кичик 19 та кўча бўлиб, уларда 700 хонадон жойлашган. Маҳалладошлари маданият ва маънавий турмуш тарзини яхшилаш, улар оғирини енгил қилиш мақсадида ташкил этилган турли комиссиялар амалда фаолият кўрсатишайпти. Табиийки, катта раҳбар қандай бўлса, кичиклар ҳам ундан андоза олишга ҳаракат қилишайпти. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Етакчингиз талабчан, ҳалол ва меҳнатсевар бўлса, «Иш-

Фахрий унвон соҳиблари МУКОФОТГА МУНОСИБ



га борсам етар, қимирласам куним ўтар», қабилида иш тутишни ҳаёлинигизга келтириб ҳам ўтирманг. Биз Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари Кенгашига 10 йилдан бери раислик қилиб келаётган Халил бобо Умаров, чорак асрдан буён тўй-маъракалар комиссиясини бошқариб келаётган Ҳамдам ота Аброровлар суҳбатини тинглаб, уларнинг ҳам комитет раисидек ишнинг кўзини биладиганлар доғасидан эканлигига амин бўлдик.

Халим бобонинг серғайратлиги туфайли Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Собир ота Ниғмоновнинг иккинчи тоифа ногирон эканлиги исботланди. Ногиронлик эса айнан уруш асоратлари оқибатида юз берган. Шу боисдан ҳам у эндиликда 244 сўм эмас, ойнага 332 сўм пенсия пули ола бошлади. Уларнинг умр йўлдоши Роза холага меҳнат пенсияси, эри урушда ҳалок бўлган Рафина Акромовага боқувчисини йўқотганлиги учун нафақа тайинланди. Меҳнат фахрийси Хусниддин ота Муҳиддиновнинг пенсия миқдори оширилди. Қисқаси, фахрийлар ҳурмати ўрнига қўйилиб, улар ҳолдан мунтазам хабар олиб турилади.

Тўй-маъракалар комиссияси ўз фаолиятини шу даражада йўлга қўйганини, маҳалладаги барча маросимлар, албатта, шу комиссия аъзолари билан маслаҳатлашилган ҳолда ўтказилади. Маҳалла аҳли шу пайтгача ўтказилган тўй-маросимларда жанжал ёки нохуш воқеа содир бўлганини эслаб олмайди. Чунки, ушбу комиссия аъзолари тўй бошланишидан охиригача тартиб-интизомга масъул бўлиб қараб туришайпти. Кимнинг тўйи қачон ва қандай ўтказилишигача комиссия назоратида.



Индаллосини айтганда, ҳар бир Кенгаш ва комиссиялар фаолияти ҳақида ҳам, чойхоначи Аъзам ота Аҳмедов (уруш ва меҳнат фахрийси — суратда), тўй-маъракаларда меҳмон кутиб олиш ва овқат тортишга бош-қош бўлаётган Исмоил ака Бобононов (меҳнат фахрийси), ёки бошқа фаоллар ҳақида ҳам фақат ижобий фикрлар билдириш мумкин. Буларнинг бари комитет раиси фидойилигидан, одамлар кўнглини топа билишидан далолатдир.

Санъатсевар ёшлардан ташкил топган маҳалла дастасининг хушовоз хонада ва созадлари (суратда) тўй-маросимлар фойзига-фойз қўшишайпти. «Эшигиндан оққан сув»га нима етсин. Ушбу дастаннинг талантли ёшлари маҳалладошлари тўйларини ортиқча сарф-ҳаражасиз ўтказишга ўз улушларини қўшишмоқда. Бу ердаги «Ёш куч» ҳунар-техника уйи ва ўқув-ишлаб чиқариш маскани ёш авлодни касб-ҳунарга йўналтиришда, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

— Баъзи бир муаммоларимиз ҳам бор, — дейди маҳалла сарқори Вали ака. — Масалан, эски омонат касса бузилганда, маҳаллада янги-сини қуриб беришга ваъда беришган район мутасаддилари бу ишни чўзиб юборишайпти. Натижада аҳоли анча ноқулайлик сезмоқда. Ҳашар йўли билан қурилган поликлиника шохобчамиз торайиб қолди. Эндиликда 15 минг болага хизмат кўрсата оладиган янги поликлиника қуришни, келгуси йилнинг биринчи чорагида маҳалламизни канализациялаштиришни мўлжаллашаймиз...

Меҳнатда, жамоат ишларида, оилавий ҳаётда ҳам ўз ўрнини топган ишбилармон инсон Вали ака Набиев билан хайрлашар эканман, бир ёш жувон келиб, ийманибгина унга юзланди:

— Мен, ҳалиги...
— Мен бордим, қизим, гаплашдим. Аммо ҳозирча Сизга тасалли берадиган ҳеч нарса дея олмайман. Улар тўнини тескари кийиб олишган кўринишда.
— Энди нима қилсам экан? — кўзига ёш олди аёл. — Сизга қулоқ осийшар деб ўйловдим...

— Қўйинг, йиғламанг. Эртага соат 5-6 ларга идорага бир келинг, шунгача маҳалла оқсоқоллари ва хотин-қизлар Кенгашидан 3-4 киши бўлиб бориб қайнатангиз ва эрингизни яна инсофга чақириб кўрамиз...

Аёл кетгач, Вали ака бир оз ўйлаб қолди, сўнг тилга кирди: «Мен бу аёлни ҳам, у келин бўлиб тушган хонадонни ҳам жуда яхши биламан. Қаранг-а, уч норасида боласи билан келинни кўчага ҳайдашибди. Бу қандай бедодлик?! Йўқ! Бунақаси кетмайди! Улар, албатта ярашишлари керак!»

Беклар обод қилган маҳалладан узоқлашар эканман, яқинлашиб келаётган қишининг илк қори учқунлай бошлади. Бу — оқлик, ҳам-жиҳатлик, умидворлик намунаси эди. Демакки, Вали ака режалаштирган юмушлар, албатта бартараф этилади. Энг асосийси, маҳалла аҳли тотувлиги барқарорлашаверади.

Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ.

Суратлар муаллифи Даврон Аҳмедов.



Ҳуқуқшунос бурчаги

МАРҲАМАТ, СЎРАЙВЕРНИНГ

С. ТУРСУНОВ: Маҳалламизда бўлиб ўтган тўйда бир оз спиртлик ичимлик ичиб, қўшниси билан жанжаллашиб қолдик. Оқибатда жароҳат олиб, 10 кун ишга чиқолмадим. Маълумотнома (справка)ни иш жойимга топширганимда, «ҳақ тўламаймиз, жароҳатин ичимлик туфайли олганимиз, дейишдик. Шу тўғрими!»

ЖАВОБ: Ҳа, тўғри. Мавжуд қондага кўра бирор киши мастилик туфайли жароҳат олса, меҳнатга лойиқлигини вақтинча йўқотса, амбулатория ёки

стационар шароитда даволанганлиги учун унга касаллик варақаси берилмайди. Бундай ҳолларда қонун бўйича касаллик варақаси ўрнига маълумотнома берилади. Бу ҳужжатга бинован ишдан озод қилинган даврда у бирон-бир оғирроқ касалликка чалиниб қолса, 11 кун ўтгандан кейингина касаллик варақаси очилиши ва меҳнатга лойиқлигини учун нафақа тўлавиши мумкин.

Абдуқалил ҲАСАНОВ, ҳуқуқшунос.

ОНАМНИ тайёрагоҳдан синглимизига — Қаршига кузатайман-у, кўнглим гап. Чунки онам ҳали бирор марта ҳам ёлғиз узоқ йўлга чиқмаган, бундан ташқари қўлларидagi юклари ҳам оғир эди. Қўлимдаги тайёра чиптасини рўйхатдан ўтказгач, ёнимдаги йигитдан сўрадим: «Сиз ҳам Қаршига учасизми?» Тасдиқ жавобини олгач, «Унажон, илтимос, оймларга тайёрага чiqиб олгунларича ёрдам бериб юборсангиз...» дедим. Йигит онамнинг қўлларидан юкларини олди. Улар тайёра томон йўл олишди...

Орадан бир ҳафта ўтиб, онам қайтиб келди. Ҳолаҳвол сўрашарканмиз, улар меннинг «Уша кунни яхши етиб олдингизми?» деган саволимга жуда мамнуун оҳангда: «Яхши борганда қандоқ, ҳалиги менга қарашган йигит жуда меҳрибон экан.

Умридан барака топсин, иложим. Ота-онасига минг раҳмат!» дея давом этдилар: — Қаршида тайёрадан

Меҳр-оқибатли кишилар
Раҳмат сизга,
нотаниш йигит!

тушгач, «Холажон, сиз кутиб туринг, мен ҳозир» деб, тезда машина топиб келди. Манзилмгача кузатиб ҳам

қўйди. «Холажон, онам тенги экансиз, йўлда сарсон бўлиб юрманг дедим» деб, узатган пулимни ҳам олмади. Қарлик курсин, менга шунча меҳр-оқибат кўрсатган йигитнинг исмини ҳам сўрамабман-а...

Мен ҳам ўша қашқадарлик йигитнинг олижаноблигидан тўлқинланиб кетдим. Шу йигитга рўзнома орқали миннатдорчилик билдиришни юрагимга тугдим. Қаранг-а, орамизда қандай ажойиб, меҳр-оқибатли, жонкуяр инсонлар бор. Уларни тарбиялаган ота-онасига ҳавасинг келади. Қани энди, кўча-кўйда йўлгўсарлик қиладиган, беозор қиларга гап «отадиган», жамоат транспортда кишилар ҳамёнларига чанг соладиган баъзи бир «олғир» ва «яғнахўроз» йигитлар ҳам шундай йигитлардан ўрнат олишса!
Шарифа ИЛЕСОВА.

ОКтябрь районидagi «Наврўз» маҳалласи йилдан йилга кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда. Маҳаллада турли маданий-маиший масканлар ва савдо дўконлари фойдаланишга топширилиб аҳоли учун қулайликлар яратилаёпти. Ободончилик борасида қилинаётган ишлар кўлами ҳам кишини қувонтиради. Бу ерда яқин йиллар ичида қилинган, шунингдек, амалга ошириш режалаштирилган ишлар билан танишар эканмиз, маҳалла марказий кўчасининг 2 километр жойига бетон ариқ ётқизилганлигининг, 24 та кўча йўллари асфальтланганлигининг, болалар боғчаси қурилганлигининг, маҳалла шон-шухрат музейи ташкил этилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Қарийб 9 минг киши истиқомат қилаётган бу маҳаллада яқинда замонавий тўрт қаватли янги поликлиника (суратда) ишга туширилди. Тажрибали шифокор Раъно Иноятова бошлиқ лўқмонлар жамоаси хизматидан эндиликда нафақат наврўзликлар, балки ён-атрофдаги яна бешта маҳалла аҳли ҳам баҳраманд бўлишади. Маҳалла марказида бунёд этилаётган чойхона биносидан пардозлаш ишлари олиб борилаёпти. Автоматлаштирилган телефон станцияси (АТС) қурилаяпти.

Бу ишларни амалга оширишда комитет раиси Олимжон Ортиқов ва бошқа фаол

Ечимини кутаётган муаммолар ИШЛАР ЯХШИКУ-Я...



лар салмоқли ҳисса қўшишди. Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Ҳалима Усмонованинг ҳам хизматлари катта бўлди. Музей ташкил этишда Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси Юсуф ота Ҳамидов алоҳида жонбозлик кўрсатди. Музейнинг 9 марта Иттифоқ фахрийлар Кенгаши Фахрий ёрлиғи билан тақдирланганлиги бундан далолатдир.

— Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади, деганларидай бизда ҳам ўзимизга боғлиқ бўлмаган айрим муаммолар бор. — дейди раис ўринбосари Абдулазиз ака Абдурашулов (суратда чапда). — Масалан, уруш ва меҳнат фахрийси Тойир ота Юнусовлар оиласи 18 жон бўлиб, 3 сотих, Махфират хола Орифжоновалар оиласи 14 жон бўлиб 2 сотих, икки қиз ва тўққиз ўғил (шулардан олти таси уйланган)нинг онаси Марҳамат хола Мавловоалар оиласи 3 сотих жойда жуда қийин шароитда яшашаяпти. Турар жой шароитларини яхшилашда уларга зудлик билан ёрдам бериш кераклигини билиб турсакда, шу пайтгача қўлимиз калталик қиляпти.

Ережепбай МАДЕНОВ,
Ўзбекистон жамоа ва шўро хўжаликлари тарихи илмгоҳининг етакчи мутахассиси.

Зулфиқор Пернеев
суратлари.

ЗАМОН ўзгаряпти, замонга қараб одамлар ҳам. Уларнинг турмуши, онги ҳам шиддат билан ўзгариб бормоқда. Кечаги қадриятларга бугун соя тушди. Дарвоқе, кечаги қадриятимизнинг ўзи нима эди? Ҳамма нарсага бир нуқтаи назар билан қараш, лоқайдлик, эҳтиросизликмиди? Ҳа, шунга ўхшаш нарсалар эди. Уша бифарқликлар туфайли кўп нарсалар ҳақида ўйлаб кўришни ўзимизга эп кўрмас эдик. Биз учун бошқалар ўйлаб кўришсин, дердик. Мана энди, ўша бошнинг кўтариб юрган вужуд ҳаракатга келяпти, ҳар бир бош ўйляяпти. Кейинги пайтда келин-куёвни никоҳдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган маросимлар ҳақида «ўша бошлар»да ҳар хил фикрлар ўралашиб қолди. Айрим кишилар «Домла-имом ҳам «Бахт уйи» ходимлари билан бирга бўлсин, ёшлар бир пайтнинг ўзида ЗАГСдан ўтсин ҳамда домла никоҳ ўқисин», дейишса, бошқалари «ЗАГС хонада махсус домла имомнинг ўтириши шарт эмас, келин-куёв «Бахт уйи»дан чиқибқоқ хоҳлаган мачитга бориб ёки «эскичадан» оғзидан илми бор» одамни топиб никоҳ ўқитиб олиши мумкин», дейишмоқда.

Лекин, икки ҳолатда ҳам, никоҳ маросими ўтказиш пайтида қувонч билан кулфат тўқнаш келиб қолаётганини, буни «Бахт уйи»да ҳамда мачитларда кўриб, алланечук бўлиб кетаётганимизни энди сезяпмиз, бу ҳақда ўйлапмиз. «Бахт уйи»да ЗАГС мудираси юз-кўзидан қувонч ёғилиб турган келин-куёвни қўлга никоҳ узугини тақаётган бир пайтда, онаси ёки отаси вафот этганлигини айтиб, тиббий маълумотнома қорозини кўрсатиб, вафот этганлик ҳақида тезроқ гувоҳнома ёзиб беришни илтимос қилиб оstonада азадор турса, «Бахт уйи»га мотам кириб келгандек бўлмайми? Уша пайт-

Кўпнинг кенгашига

АЛОҲИДА БЎЛСИН

да келин-куёв кўнглидан нималар кечаркин...

Ёки, мачитда қайсидир бандан мусулмонга айни жаноза ўқилаётган бир пайтда шовқин-сурон билан келиб қолганини эшитиб? Ҳеч нарсадан хабари йўқ келин-куёв мачит домласининг панд-насихатларининг марзини чақиб, бир-бирига маҳлиб бўлишиб чиқиб кетишганлариде бўлсан кўча бошида тобут кўтарган кишиларнинг мачит томон келиб қолишлари содир бўлади. Бундай ҳолатларни кўзимиз кўра бериб, дейдими ҳам қотиб кетди. Лекин шу вақтгача бу ҳақда ўйлаб кўрмадик. Бизлар учун бошқалар аллақачон ўйлаб қўйишган, дедик. Энди билсак, ўша бизлар учун «ўйлаб иш қилганлар» кўп ҳолларда миллий қадриятларимизни, миллий маънавиятимизни оёқ ости қилишдан нарига ўтмаган эканлар.

Бу ҳақда фикр юритишга, ўйга толишимга ҳаётимиздаги икки воқеа сабаб бўлди-ю, қўлимга қалам олдим. Ёз кунларининг бирида Қорасув дехасида истиқомат қилувчи бир жигаргўшам вафот этди. Кўпчилик бўлиб Яланғочота қабристонига йўл олдик. Қабристоннинг шундоққина ёнидаги мачитга кириб жаноза ўқитиш учун пешин намози билан машғул бўлган жамоани кута бошладик. Марҳумнинг тобу-

тини кўтариб борган халойиқ тобутни салқин бир жойга қўйиб, ўзлари чекка-чеккадаги дарахтлар соясига жойлашди. Шу пайт кўл ушлашган уч жуфт келин-куёв бирин-кетин мачитга кириб келишди. Домлага хабар кетди, дам ўтмай у киши пайдо бўлиб ўз хонақосига кирдилар. Бирин-кетин тобут ёнидан ўтишиб, ўша келин-куёвлар ҳам навбатма-навбат домла кириб кетган хонага кириб чиқишди. Ҳамнинг кўзи уларда, дам-бадам тобутга қараб қўйишади. Кимга тўйу кимга аза.

Менимча, вафот этганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштириш ҳуқуқини соғлиқни сақлаш муассасалари ихтиёрига бериш керакка ўхшайди. Бу иш бевосита поликлиникалар ва шифохоналарда расмийлаштирилса ҳалигидек ташқаридан қараганда нохуш кўринган ҳолат содир бўлмаган бўларди. Иккинчидан, шу вақтгача, ҳатто ўша маънавиятимизни қатағон этган Абдуллаевалар даврида ҳам ўзини мусулмон фарзанди, деб билган ёшлар ёки уларнинг ота-оналари ўз фарзандларини домла никоҳ ўқимас қўшганга қўймаган. Ҳозирги имонимиз бут бўлиб турган, динимиз дилимизга кўчган бир пайтда бу ишни очикчасига амалга оширишни ҳаётнинг ўзи ўртага қўйяпти. Одамлар бу ҳақда ўйлай бошлашди. Шуларни ҳисобга олиб «Бахт уйи» мутасаддилари билан ёнма-ён домла имом (махсус тейинланган, никоҳ ўқишга ваколат олган) ҳам бўлиши керак, деб ўйлайман. Шунда «Бахт уйи» ҳақиқий бахт уйи бўлади. СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ, АЗИЗ МУШТАРИЙЛАРИ!

Неъматжон ҲАСАНОВ,
Абу Райҳон Бериуний номидаги Тошкент техника дорилфунунининг доценти.

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ. Ҳа, бу — жуда сермашаққат ва кўп қиррали ишдир. Мен 17 йилдан бери Фрунзе районидagi 118-мактаб ота-оналар Кенгашига ва Абдулла Қодирий номидаги маҳалла ўртоқлик судига раислик қилиб келаётганим учун бола тарбияси билан унинг ёшлигидан ва мунтазам шуғулланиш катта самара беришига тўла ишонч ҳосил қилдим. Биз маҳалла фаоллари бола тарбиясини муаллимларгагина ташлаб қўймасдан, улар билан ҳамкорликда иш олиб бораёламиз. Иш фаолиятимизда эса бу борадаги илғор тажрибалардан фойдаланишни қанда қилмаяпмиз.

Табиики, тарбиянинг негизини ахлоқ-одоб ташкил этади. Шу боисдан ҳам миллий урф-одатларни ҳисобга олган ҳолда тажрибали ўқитувчилар ва

Тарбия—ёшдан

БУНИ УНУТМАЙЛИК

маҳалла оқсоқоллари ҳамкорлигида «Одобнома» дастури ишлаб чиқилди. Бунда болаларнинг ўзига хос маънавияти ҳам ҳисобга олинди, албатта. Эндиликда «Одобнома» ҳам алоҳида дарс сифатида ўтилмоқда. Бунда мен ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшаёпман.

Масалан, мактаб директори иккаламиз дарс бошланишидан олдин — соат етти яримдан бошлаб ўқувчилар селомига алик оламиз. «Ассалому алайкум» дейишни унутганларга эса ўзимиз шу сўзларни айтиб изза қиламиз. Районимиздаги «Ракат» мачитининг имоми

Абдуллажон акани ҳам «Одобнома» дарсига тақлиф қилиб турамыз. У киши болаларга ахлоқ-одоб, меҳр-оқибат, инсоф-диёнат маззулариде гапириб берадилар.

Болалар тарбияси ҳақидаги фикримни давом эттириб яна айтмоқчиманки, баъзи бир ота-оналар «боланинг қорни тўқ, усти бут бўлса бас», қабилде иш туттишади. Бу — ўта нотўғри фалсафадир. Бола тарбиясидаги асосий хусусиятлар оилада шаклланади. Буни яхши тушунай, «болаимизни мактабда тарбиялашсин», дейдиганлар бизнинг маҳаллада ҳам бор. Шун-

дай бўлгач, тарбия масаласи асосатда қолиб, бола бузила бошлайди: мактабга хоҳласагина келадиган, кўча чапгитиб юрадиган одад чиқаради. Биз бундай болалар ота-оналарини маҳалла комитетига, мактабга чақириб тушунтириш ишлари олиб борамиз.

Республикамиз мустақил бўлди. Энди, аввалгилардай четдан «ишбилармонлар тақлиф этишга барҳам беришимиз, ўзимизда етук мутахассислар тайёрлашимиз керак. Бундай кишилар эса тартиб-интизомли болалардан етишиб чиқади. Таниш-билишчилик қилиб қўлга «диплом» тутказган эркак-тойимиз газли сув сотиш, pista сотиш, мол бозориде даллолик қилишдан бошқасига ярамайди. Ана шунки унутмайлик!

Лутфулла БОБОТУЛЛАЕВ.

Ҳаётнинг рангин

лаҳзалари

ТҲЙЛАР ТҲЙГА

УЛАНДИ

СОБИР РАҲИМОВ районининг «Сариқ сув» кўчаси («Октябрь 40 йиллиги» маҳалласи)даги 21-уйда катта таянча бўлди. Бу хонадонга йиғилганлар Марям аяни қутлуғ 80 ёшга тўлганлари билан муборакбод этиб, дил сўзларини изҳор этишди. Шунингдек, момонинг неваралари бўлмиш келин-куёвлар — Алишер ва Мастураҳон, Равшан ва Дилоромхонларга ҳам бахтли ҳаёт, порлоқ келажак тилашди, қалбларидеги энг самимий истакларни билдиришди.

Шодиёна сабабчилари — Алишер билан Мастураҳон ва Равшан билан Дилоромхонлар бир-бирларига зимдониго ташлаб қўйишар, ҳаётнинг навбатдаги янги поғонасини ширин ҳис-туйғулар оғушида тасаввур этишарди. Еру биродарлари билдиришаётган самимий тилаклар уларга бамисоли ҳаётнинг жаннатмакон уммонини инъом этади.

Саксон баҳорни қаршилаган онахон кўзларида севинч ёшлари маржонланади. Шу кунларни кўриш бахтига муяссар этган тақдирини шукроналар айтади. Ҳаёл тулпори уни секин-аста ўтмиш онлари сари етаклайди. Умр йўлдоши — Улуғ Ватан урушида ногирон бўлиб қайтган, бундан 3 йил муқаддам бандаликни бажо келтирган Қодиржон ота Султонов сиймоси кўз ўнгиде намоён бўлади.

Қодиржон билан Марямхонлар 30-йилларнинг оғир дамларида умр ришталарини боғлашди. Уша йиллар силсиласи ҳар қанча мушкулликлар туғдирмасин, улар бир-бирига суяниб бахтли турмуш кечира бошлашди. Вақти-соати етиб бир-икки фарзанд кўришди. Афсуски, фарзандлари кўп яшашмади. Ёш ота-она бундан кўп изтироб чекишди, яратгандан узоқ умри билан, бахтли, саодатли зурриёт илтижо қилишди. 1945 йили Қодиржон ака урушдан қайтиб келганларидан кейин улар орзулари вожиб бўлиб, оилада яна фарзанд дунёга келди. Унга «умримиз йўлдоши бўлсин» деб Пўлдошвой исмини беришди. Одобли, вазмин ва меҳнатсевар инсон қилиб тарбиялашди. 20 ёшга тўлганда Мавлудахон исмли қизга уйлантиришди. Эндиликда уларнинг ҳам уч нафар ўғиллари бор...

«Бир кам дунё» деганлариде, инсон доимо бирон нарсадан камчилик сезиб яшайди. Марям хола ҳам дастлаб фарзандсизлик доғиде изтироб чекиди, сўнгра унинг «Бир бошини икки қилиш» ниятида бўлди. Кейин эса тезроқ неваре тўйи қилишни, чеварали бўлишни орзу қила бошлади. Волидаси дилидаги ҳавасни англаб юрган Йўлдошвой ака ҳам кўп кутдирмай, яъни Алишер билан Равшанлар ҳарбий хизмат бурчларини ўтаб келишгач, улар никоҳ тўйларини бошлаб юборди.

Мана, бугун шу муносабат билан улар хонадониде улкан шодиёна. Марям хола таваллуди 80 йиллигининг ҳам неваралари никоҳ тўйи билан биргаликда нишонланаётгани таянчага янада файз қўшаяпти. «Бувингиз ёшга етиб, ували-жували бўлиб юринлар...» Келин-куёвларга билдирилаётган тилаклар марғи ана шундай.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
жумҳуриятда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Ажойиб инсонлар даврасида

КУЮНЧАКЛИГИ БИР ОЛАМ

ХУРИНИНГ умр йўлдоши билан мурасиси келишмай, у ажралишга мажбур бўлди.

— Қўй, хафа бўлма қизим, — тасалли берди унга Маърифат ая. — Турмуш кишига баъзан кулиб боқмаслиги мумкин. Узингни қўлга ол. Хали ёшсан, омон бўлсанг бахтинг очилиб кетади. Иккита неварамни эса ҳеч кимга бермайман.

Шу тариқа Маърифат ая оиладаги саккиз ўғил-қизни ёнига Гулбахор билан Олимжонларни ҳам ўз қарамоғига олди. Умр йўлдоши Мирвали ака ҳам уни қўллаб-қувватлади:

— Тўғри қилдинг онаси. Невара ҳам фарзандимиз. Вояга етказиб олсак, у ёнига ўз йўлларини топиб кетишади. Умр ўтаверар экан. Кўз очиб юмгунча фарзандлар улгайишди. Маърифат ая қизларини узатди, ўғилларини уйлантирди. Бу орада Хури яна турмушга чиқиб, болачақали бўлиб кетди. Гулбахор ҳам бахтини топди. Олимжоннинг тўйини эса тоғаси Давлат қўярда-қўймай ўз хонадонига ўтказди. Куёв сарупосини кийиб, ясашиб олган Олимжон келининига жўнаётганида Маърифат ая уни бағрига босди, кўзларига ёш олди: «Илоё бахтли бўлгин болам, ўзингдан кўпайгин.»

Маърифат ая ҳозирги кунда Тошкент районидagi «Иттифоқ» маҳалласида истиқомат қилмоқда. Қўни-қўшнилари, маҳалладошлари айниқса унинг куюнчаклигига ҳавас қилишади. Катта қизи Моҳиниса Тўйтепада, Хури ва Холидалар Янгибозорда, Шарифа Тошкент шаҳрида, Басира «Ленин йўли» жамоа хўжалигинда яшашади. Ая дам-бадам уларни кўриб, ҳол-аҳвол сўраб турмаса кўнгли жойига тушмайди. Айни пайтда бирга яшаётган ўғли Даврон ва келини Гулмиралар «Ойишон» чарчаб қоласиз», дейишса ҳам кўнмайди, невараларини соғинади. — Маърифат аянинг ажойиб бир фазилатини қадрлайман, — дейди қўшниса Ибодат ая Ҳакимова. — Доим ҳушчақчақлар. Бирор даврага қўшилиб қолсалар, дарров файз киради. Ҳазил-мутоибалар билан барчанинг кайфиятини кўтариб юборадилар.

Биз ҳиноя қилаётган бу пиру бадавлат онахонга маҳаллада ҳавас қилмаган киши кам топилади. Маърифат ая Ҳожиева бугунги кунда фарзандлари ва юздан ортиқ невара-чеваралари даврасида бахтиёр ҳаёт кечирмоқда.

Самад ШОДМОНОВ.

СУРАТДА: Маърифат ая (чап томонда) қизи Хури билан невара тўйида рақсга тушмоқда.

Даврон Аҳмедов сурати.



Миллий таомларимиз

ЧИЛЛА АТАЛАСИ

ИЛГАРИЛАРИ қиш чилласи бошланишидан охиригача кечқурунлари тез-тез атала пиширилар эди. Бунинг учун яхшилаб доғ қилинган ёнға қўй думбаси, гўштидан солиб маълум мўлжалдаги унни элаб, капкирда зарҳал рангга киргунча қоринтириб, сув қуйишарди. Сўнг тугунчадарини эзиб-эзиб, қайнаётганда туз сепиб, шопириб туришар эди. Яхшилаб қайнагач, қўюқ тортган, худди сумалакдек тотли, суюқроқ атала жоннинг роҳати бўларди.

Бизнинг оиламиздагилар ҳам аталани қиёмига етказиб пиширишар, катталар уни қандай ичиш йўллари ни ўргатишар, сўнгра биз болалар ҳам аталани қошиқда юзалаб, эҳтиёт бўлиб, бамисоли қаймоқ ичаётгандек ҳузур қилиб ичар эдик. Нимда-ким шомша-шошарлик қилиб, қошиқни ботириб кўпроқ ичиб юборса озги куйиб қоларди. Атала ича-ича сабр-бардош нималигини ҳам билиб олгандик.

Бувим катта доячи эдилар. Ёшлигимда мен ҳам бувимга

эргашиб хонадонма-хонадон юрардим. Туққан аёллардан ўзлари тез-тез хабар олиб, «чиллалик» деб атала пишириб берардилар. Яхши ниятда, «савоб бўлади» деб менга ҳам аталадан ичришарди. Кўзи ёриган аёлларга, пиширилган атала негандир жуда ёқимли, мазали бўларди. Нафақат чақалоқли аёлларга, баъзида сигиримиз туққанда ҳам атала пишириб, бироз совутиб тоғорада ичришарди. «Ичининг сувоғи, таъмири» дейишарди, уни.

Думба ёғи, гўшт бўлмаса ҳам ҳар қандай ёғни меъёрида доғ қилиб, унни яхшилаб қовуриб, атала пишириш мумкин экан. Атала ичганда ошқозон ва умуман ички аъзоларнинг ором олиши, фасл алмашиш шароитига бардошли бўлиши ҳақида катталар кўп гапиришган. Оёқ-қўлларнинг тез-тез музлаб қолиши, оғришидан фориг бўлиш учун халқ табиблари қиш чилласида тўйиб атала ейишни тавсия этишган.

Аҳмад МАҲМУДОВ.

ҚАДИМГИ иморатлар замини тепаликлардан танланган. Бунга археологлар топилмалари ҳам исботлаб турибди. «Афросиёб», «Варахша», «Холчаён», «Болалик тепа», «Қувасой», «Қадимий Термиз» каби тарихий жойлар бунга мисол бўла олади. Тошкентимизнинг 2000 йил аввалги бинокорлиги ҳам тепаликлардан иборат эканлиги маълум. Кейинчалик одамлар кўпайгач, пастиликларгача уйлар қуришга тўғри келган.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, тепалик ҳавоси тоза, баҳаво бўлиб, суҳбат қуриб дил чигалини ёзишга доимо хизмат қилиб келган ҳамда сув тошқинларидан сақлаган. Яқин йиллар ичида Фарғона ва Тошкент вилоятларининг айрим районларида сув тошқини содир бўлганида пастиликда яшаганлар ана шундай жойларга қочиб, омон қолишган эди.

Кўҳна пойтахтимизнинг «Бек-обод», «Бешқайрағоч», «Оқтепа», «Учтепа» ва бошқа маҳаллаларидаги ҳаммамизга таниш тепаликлар қурилиш сабаб бўлиб, бузилиб кетди. Шу туфайли келажак авлодга етарли маълумот бериш учун қадимий тепаликларни илмий текшириб, улар тарихини аниқлаш ўринлидир. Масалан, Салор ариғи бўйида жойлашган, бир неча аср хилма-хил ўриклари билан машҳур бўлган тепаликдаги «Минг ўрик» номини олган қароргоҳ тўпроғи XIX асрнинг иккинчи ярмида рус амалдорлари буйруғига кўра бунёдкорликка ишлатилди. Шундай қилиб, Тошкентдаги қадимий боғбонлар номи би-

Ўтмиш садоси

Шаҳримиздаги

тепалар

лан аталган тарихий маскан ҳам йўқ қилиб ташланди. Ҳақиқатни айтганда, фаровон ҳаёт қуриш баҳонасида табиатнинг бу бўлагига бошланган хужумнинг совет даврида авж олгани кечирилмас ҳолдир.

Энди, яқиндагина бузилиб кетган Кўкча «Оқтепа»си ҳақида тўхталмоқчиман. Бу тепанинг ўзига хос кўрки, са-лобати ва файзи бор эди. Бу ер баҳор ва ёз ойлари кўм-кўк, сўлим бўлиб, қишда эса оппоқ қорлар билан қопланиб, худди тоғ чўққисини эслатарди. Болалик чоғимда «Бек-обод» маҳалласидан шу ерга келиб, тенгқурларим билан тепада куёш чиқиши ва ботишини завққа тўлиб томоша қилардик. Баъзан катталар тўпланиб, дам олгани келишганида бу жой янада гавжумлашарди. Улар ҳам табиатни кузатишар, гўзалликка маҳлиё бўлиб, ширин суҳбатлар қуришарди. Ушанда ҳам «Оқтепа» маҳалласи бор эди. Кенг майдонни эгаллаган тепа ёнбошида ариқ оқарди. Жамоа хўжалиги тегирмони ишлаб, бир қанча маҳалла аҳолисини ун билан таъминларди. Биз болалар Кўкча «Оқтепа» ариғида мазза қилиб чўми-

либ, куёш тафтида тобла-нардик.

Бу «Оқтепа» ҳақида турли ривоятлар ҳам эшитганман. Айтишларича, илгари унинг ўрнида шох қасри бор экан. Жангу суронлардан сўнг, бу жой вайронга айланиб, баланд тепалик ҳосил бўлибди. Одамлар топганини сопол кўза, хумчаларга жойлаб, шохдан қолган қўриқчи — баҳайбат илонларга илтижо билан: «Меросимизни фарзандларимизга етказгин», — деб тепа бағрига кўмиб қайтишаркан.

Бундай тепалар беҳисоб эди. Чилонзордаги «Оқтепа» (бузилган), Юнусободдаги «Оқтепа», Самарқанд автостанцияси ва пойтахтимизнинг тарихий номи билан аталган «Чоштепа» кўчаси бўйлаб чўзилган тепаликларни кўрганимизда кўзимиз қувнаб, баҳри дилимиз очилади. Тепалар ҳам табиат кўрки эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Менимча, бир қанча тепалар, ҳатто айрим қабристонларгача бошқа мақсадда ағдар-тўнтар қилинди. Халқ ривоятлари ва афсоналарига кўра фақат бойлик қидирилганига шубҳамиз йўқ. Аммо, ҳамма жойдан ҳам олтин чиқвермайди. Эндиликда тепалар бузилиб кетган бўлсада, кўпни кўрган халқимиз улар номини унутмай, келажак авлодга етказиб, тепалар қадрига етиш лозимлигини уқтираётир.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Давлат санъати музейининг катта илмий ходими.

БЕШ қўл баробар эмас, деган фалсафий фикр жуда тўғри айтилган. Негаки, оилада ҳам ўғил-қизлар, келин-куёвларнинг хатти-ҳаракати ва топиш-тутиши турличадир. Агар иқтисодий устунликка қараб уларга баҳо берилса, камхаржлари камситилса, албатта, майда-чуйда гаплар кўпаяди. Худа-беҳудага жанжал чиқараётган оилаларни кўриб ранжийсан, киши. Ахир бир маротаба берилган умр файзли, алам-ситамсиз ўтиши керак эмасми?

Турмуш чорраҳаларида

ЎҒЛИНГНИ СЕВСАНГ...

Онлани одилона бошқараётган отахону онахонларни ҳар бир маҳаллада учратиш мумкин. Ота-она адолатли бўлиб, онла аъзоларнинг барчасига бир хил кўз билан қараша ёшларда ҳам шу фазилат илдиэ отиб боради. Бунга ҳаётнинг ўзи исботлаган. Мақтанши эмас, мен ўз оиламизда бунинг гувоҳи бўлганман.

Биз ўғил-қизлар турли қасб эгалари бўлганимиз учун топиш-тутишимиз ҳам ҳар хил. Лекин ота-оналаримиз топишимизга эмас, одамийлигимизга қараб баҳо беришган. «Келинлар уйда ўтирса, гап кўпаяди. Болаларига қарасам, ҳам майли, ёшлар ишласин», — дегувчи эдилар. Келинини ҳам куёвини эшикма-эшик юриб ёмонлаган қайноналарни жуда ёқтирмасдилар. «Ўғлингни севсанг, ўғлингнинг умр йўлдошини ҳам севиш керакда», — дер эдилар.

Ҳозирда отам ҳам, онам ҳам йўқлар. Улар 53 йил бирга яшаб бандаликни бажо келтиришган. Баъзан маҳалламизда ота-онам ва улар авлод-аждодлари ҳақида айтилаётган илиқ сўзларни эшитиб, ўзимни жуда бахтиёр ҳис этаман.

Саъдулла СУЛТОНОВ.

Қари билганини—пари билмас

ҲАМАЛ ОФТОБИДЕК ЁҚИМЛИ

- Қизлар — жамиятнинг кўрки.
- Қизлик гурури — гўзалликдир.
- Қиз боланинг сўзлари — ҳамал офтобидек ёқимли бўлиши керак.
- Қиз боланинг ҳусни — ҳаёда.
- Қиз боланинг ҳислари — камалакдек ранго ранг.
- Орзунинг энг ширини — қиз болада бўлади.
- Қизнинг кашта тикиши — қалбини нақшлайди.
- Қизлик уйдан файз уфуриб туради.
- Қизи бор ҳовли — дарвозасининг олдидан кўриниб туради.
- Қиз бола — бошқа уйнинг чироғини ёқувчи бўлгани учун ҳам ота-онасига дашном келтирмаслиги керак.
- Қизнинг қалби — гулшандай гўзал бўлиши керак.
- Қизнинг гурури — латофату малоҳатдир.
- Яхши қиз — маҳалласидан ортмайди.
- Қизнинг қадри — одобда.
- Серҳосил дарахт — ерга эгилган.
- Қиз бола — гул кўчатига ўхшайди, агар у ёшлигидан ақлли, одобли, ҳаёли ва лаёқатли бўлса, келин бўлиб борган ерида тезгина томир отиб, кўкариб кетади.
- Қизнинг ҳаёси билан андишаси бўлса, ясаинининг ҳожати йўқ.
- Одобли қиз — зебу зийнатсиз ҳам гўзал.
- Гўзаллик — кийимда эмас, кийини биллишда.
- Қиз боланинг пардоз қилиши — уни табиий гуллиқдан қоғоз гулга айлантириб қўяди.

Матлуба УЛУҒОВА,
фахрий муаллима.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси 32-уй.

Телефонлар: 32-53-66, 33-99-42.

ЖАМОАТЧИЛИК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.